

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

УМИРЗАКОВ БЕГЗОД АТАБОЕВИЧ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Умирзаков Бегзод Атабоевич

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи
ва олдини олишни такомиллаштириш 3

Умирзаков Бегзод Атабоевич

Криминологическая характеристика преступности среди
несовершеннолетних и совершенствование мер
по её предупреждению..... 27

Umirzakov Begzod Ataboevich

Criminological characteristics of crime among minors and improvement
of measures for its prevention 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

УМИРЗАКОВ БЕГЗОД АТАБОЕВИЧ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Үу272 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурасулова Қумриниса Раимқуловна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ўразалиев Муродбек Қораевич
юридик фанлар доктори, доцент

Турғунбоев Элбекжон Одилжонович
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 19 май куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1101-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2021 йил 3 май куни тарқатилди.

(2021 йил 3 майдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда йилдан-йилга жиноятлар сони ошиб, содир этилган жиноятларнинг 30-40 % вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич Америка Қўшма Штатларида 32 %, Буюк Британияда 40 %, Германияда 38 %ни ташкил этмоқда¹. Марказий ва Шарқий Европа, Марказий Осиё минтақасида ҳар йили 5000 нафар вояга етмаганлар жазони ижро этиш муассасасига юборилмоқда². БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида (1989) бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслиги, болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки камоққа олиш қонунга мувофиқ амалга оширилиши, фақат фавқулодда чора сифатида ва мумкин қадар қисқа муддатга тайинланишининг белгиланган³лиги вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришнинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш, унинг олдини олиш, миқдорини минимал даражагача пасайтириш, бу соҳадаги профилактик чора-тадбирларнинг илмий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вояга етмаганларнинг мулкка қарши, аёл жинсидаги вояга етмаганлар жиноятчилиги; уларни жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёши, жиноий ҳуқ-атворини тузатишнинг, психофизиологик жиҳатлари; вояга етмаганлар ҳуқуқларини қўшимча ҳимоя қилишнинг такомиллашган усул ва тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва профилактик чораларни амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш»⁴ бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларни бажариш мақсадида вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш

¹ www.un.org.

² <https://news.un.org/ru/story/2020/02/1373191>.

³ «Конвенция о правах ребенка» Нью-Йорк, 20 ноября 1989 г. Принята Резолюцией № 44/25 Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони//www.lex.uz.

ва унинг олдини олишнинг тадқиқ этилиши кераклиги ушбу мавзунини ўрганиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) фармонлари ҳамда «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишнинг айрим жиҳатлари Қ.Р. Абдурасулова, Б.А. Арифджанов, А.Г. Закирова, З.С. Зарипов, М.З. Зиёдуллаев, И. Исмаилов, Й. Каракетов, Б.А. Миренский, Ж.С. Мухторов, С.С. Ниёзова, В.Г. Файзуллаева, С.Б. Хўжакулов, Р. Жаббарбергеновларнинг илмий ишларида муйян даражада ўрганилган.

Д.Р. Каримованинг «Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари» мавзусида докторлик, Н.Т. Исмоиловнинг «Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари», М.К. Утениязовнинг «Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олиш муаммолари», О.Б. Муродовнинг «Освобождение несовершеннолетних из воспитательных колоний и их социальная адаптация», Б.М. Умаровнинг «Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари», Ш.Р. Ғофуровнинг «Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида)», Н.А. Рамазонованинг «Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти», Салех Али Салем Аль-Марфадийнинг «Криминологические и социально-психологические особенности преступности несовершеннолетних в Республике Йемен» мавзусида номзодлик ҳамда фалсафа доктори (PhD) диссертациялари химоя қилинган. Мазкур тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилигига дахлдор айрим масалалар ўрганилган¹.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Хорижий олимлар: Ю.М. Антонян, Г.М. Миньковский, К.Е. Игошев, Е. Алауханов, А. Аванесов, Н.П. Дубинин, В.М. Коган, И.И. Карпец, В.Н. Кудрявцев, З. Фрейд, А. Кетле, М.В. Малчанова, С.В. Федяев, О.А. Петрянина, Е.Б. Кургузкина, С.В. Полубинская, Э.А. Хасмамедов, В.А. Мишота, С.В. Фомов, О.В. Страков, Ф.В. Гобечия, М.С. Нарикбаев, А.А. Герцензон, С.С. Остроумов, Н.Ф. Кузнецова, Е.С. Жигарев, Я.В. Самиулина, К.Ю. Логиновалар томонидан вояга етмаганлар жиноятчилигининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Аммо, вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш мавзусида тадқиқот олиб борилмаганлиги боис уни ўрганиш зарурати мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган истиқболли дастури»нинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» (1.3.4-банди) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади вояга етмаганлар жиноятчилигига криминологик тавсиф бериш, унинг олдини олишда мавжуд муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва соҳага оид назария ва амалиётни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчасини очиб бериш;

вояга етмаганлар жиноятчилиги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатларини асослаш;

вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ҳамда уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

вояга етмаган жиноятчи шахсига криминологик тавсиф бериш;

вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг ташкилий асослари ва амалиёт натижаларини таҳлил қилиш асосида мазкур фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга доир айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларнинг илғор тажрибасини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предметини вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишга оид юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туман, шаҳар ҳудудларида ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш ҳамда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича доимий асосда фаолият кўрсатадиган жамоатчилик кенгашини ташкил этиш зарурлиги асослантирилган;

умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларида, ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар зиммасига ўқувчиларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган турли тўғарақлар, қизиқишлари бўйича клублар, секцияларини ташкил этиш зарурати асослантирилган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги ишлари вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар билан ҳамкорликда амалга оширилиши зарурлиги асослантирилган;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятида вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёхуд хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шавқатсиз муомилада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғиш ва умумлаштириш амалиётини йўлга қўйиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлганларни уч гуруҳ: болалар (туғилганидан то 14 ёшгача бўлганлар), вояга етмаганлар (14 ёшга тўлган ва 18 ёшгача бўлганлар), ёшлар (18 ёшга тўлган ва 30 ёшгача бўлганлар)га ажратиш кераклиги таклиф қилинган;

«вояга етмаганлар жиноятчилиги»га муаллифлик таърифи берилган;

ҳудудлар кесимида жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг нотўғри ҳисоб-китоб қилинаётганлиги аниқланиб, уларни бертараф этиш ва ҳудудлардаги криминоген вазиятга тўғри баҳо бериш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш

концепциясининг лойихаси тайёрланган ҳамда уни қабул қилиш зарурати асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг янги лойиҳалари ишланаётган ҳозирги шароитда вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги масаласида мавжуд камчиликларни, нормалар ўртасидаги номувофикликларни бартараф этиб, янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 83, 87 ва 88-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010) қонунига вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар тизимига прокуратура ва адлия органларини, шунингдек вояга етмаганларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг турларини ва аниқ чора-тадбирларини киритиш таклифи берилган ва асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2010) қонунининг «Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби» деб номланган 5-боби «Республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби» деб ўзгартирилиши ҳамда ушбу қонуннинг 28-31-моддаларидаги коллизияларни бартараф этиш лозимлиги асослантирилган;

вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга масъул бўлган давлат органлари вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширилиш даврига қараб 5 та босқичга ажратиш ва профилактик ишларни мазкур босқичлар асосида ташкил этиши кераклиги асослантирилган;

содир этилган жиноятларнинг турларига кўра «вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар», «вояга етмаганлар жиноятдан жабрланувчиларнинг жиноятни содир этилишидаги ўрни», «жиноят содир этган вояга етмаганнинг жиноий хулқ-атвори» бўйича электрон ҳисоб карточка (варақа)ларини тўлдириш орқали марказлашган электрон маълумотлар базаси юритилиши зарурлиги исботланган;

вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни гуруҳларга ажратиб ўрганиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 2017-2019 йилларида республикамиз судларида кўриб чиқилган вояга етмаганларнинг жиноятларига оид 125 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, 330 нафар туман, шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиқлари ва профилактика (катта) инспекторлари ҳамда 50 га яқин тарбия колониясида тарбияланаётган вояга етмаганлар ўртасида ўтказилган сўровлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асослантирилган.

Хулосалар тадқиқотнинг мақсади ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид муаллифнинг қарашлари, таклифлари, ўтказилган сўров натижалари таҳлили, статистик маълумотларни умумлаштиришга таяниб ишлаб чиқилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишни тартибга солувчи қонун нормалари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, «Криминология» ва «Виктимология» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, келгусидаги илмий-тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишни такомиллаштиришга, вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда давлат органларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ташкил этишга, қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишига, соҳага оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туман, шаҳар ҳудудларида ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш ҳамда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича доимий асосда фаолият кўрсатадиган жамоатчилик кенгашини ташкил этишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги «Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 486-сон қарори билан тасдиқланган Дастурнинг 1 ва 2-бандларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 12/20-3-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жойларда ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар зиммасига ўқувчиларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган турли тўғараклар, қизиқишлари бўйича клублар, секциялар, шу жумладан, спорт секцияларини ташкил этиш вазифасини юклашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 апрелдаги «Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига

ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 237-сон қарори 4-бандининг «з» кичик бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 12/20-3-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ихтисослаштирилган синфлар ўқувчиларида қонунга итоаткорлик хулқ-атворининг шаклланишига хизмат қилган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги ишлари вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар билан ҳамкорликда амалга оширилиши зарурлигига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон буйруғининг иккинчи бобининг 59-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2020 йил 16 июндаги 26/7-1739-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилишга ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятида вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек уларни моддий жихатдан таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёхуд хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шавқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғиш ва умумлаштириш амалиётини йўлга қўйишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон буйруғининг иккинчи боби 58-банди учинчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн иккинчи хатбошилари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2020 йил 16 июндаги 26/7-1739-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 12 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 154 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаганлар жиноятчилигининг тушунчаси ва криминологик тавсифи**»га бағишланган биринчи боби иккита параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда «вояга етмаган», «вояга етмаганлар жиноятчилиги» тушунчалари ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси, даражаси ва тузилиши таҳлил қилинган.

Жиноят ҳуқуқи ва криминология назарияси, қонунчилик ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш ва унинг барвақт олдини олиш амалиётида «вояга етмаган», «жиноят», «жиноятчилик», «вояга етмаганлар жиноятчилиги» каби мазмунан ўзаро алоқадор бўлган тушунчаларнинг аҳамияти атрофлича ўрганилиб, Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлганларни уч гуруҳ: болалар (туғилганидан то 14 ёшгача бўлганлар), вояга етмаганлар (14 ёшга тўлган ва 18 ёшгача бўлганлар), ёшлар (18 ёшга тўлган ва 30 ёшгача бўлганлар)га ажратиш кераклиги таклиф қилинган. Чунки ёш бўйича бундай дифференциациялаш мамлакатимизда болалар, вояга етмаганлар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи, улар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи, ташкил этувчи ва амалга оширувчи субъектлар фаолиятини яхшилаш, ҳар бир орган фаолиятининг аниқ чегараларини белгилаш ва профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, «вояга етмаганлар жиноятчилиги 14 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар томонидан муайян макон, ҳудуд, минтақада, маълум давр ичида содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихан ўзгарувчан, салбий, объектив ва ижтимоий

хавфли ҳодисадир» (ушбу таъриф анкета сўровида иштирок этган 330 нафар респондентларнинг 78 % томонидан маъқулланган) деган хулосага келган.

Амалиётда ҳудудлар кесимида жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг нотўғри ҳисоб-китоб қилинаётганлиги, хусусан, муайян бир ҳудудда ўтган йили 1 та кейинги йилда 2 та жиноят содир этилганида, жиноятчилик 100 %га ошган деб баҳоланиб, криминоген вазияти оғир ҳудудга киритилаётганлиги, бошқа бир ҳудудда ўтган йили 100 та кейинги йилда 50 та жиноят содир этилганида, жиноятчилик 50 %га камайган деб баҳоланиб, криминоген вазияти оғир ҳудудлар қаторига киритилмаётганлиги асосланган. Бундай ҳолат, ҳудудлардаги криминоген вазиятга тўғри баҳо бериш, жиноятчиликка қарши курашиш учун куч ва воситаларни тақсимлашга нисбатан нотўғри ёндашув шаклланганлигини кўрсатади.

Ҳудди шундай ҳолат вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлашда ҳам кузатилмоқда. Юқоридаги сингари хатоларни бартараф этиш учун куйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган: 1) ҳудудда содир этилган жиноятларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг (жиноий жавобгарлик ёшига етган) сонига нисбатан минг, ўн минг ва юз минг кишига нечта жиноят тўғри келиши аниқланиши лозим; 2) вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси аҳолининг 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган қисмига нисбатан олиними керак; 3) содир этилган умумий жиноятчиликнинг таркибида оғир, ўта оғир, мулкка қарши, гуруҳ таркибида ва бошқа жиноят турларининг улуши аниқланиши зарур. Юқоридаги тавсияларга амал қилиниши маъмурий ҳудудлардаги криминоген вазиятга тўғри баҳо берилиши, жиноятчиликка қарши курашиш учун куч ва воситаларни мақсадга мувофиқ тақсимланиши ҳамда жалб этилишига хизмат қилади.

Диссертантнинг фикрича, вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси муайян ҳудудда ёки жойда, муайян давр ёки вақтда содир этилган жиноятлар миқдоридан келиб чиқади ва ўша ҳудудда ёки жойда яшайдиган аҳолининг вояга етмаган (жиноий жавобгарлик ёшига етган) қисмининг сонига нисбатан ҳисобланади ва юз минг кишига нечта жиноят тўғри келиши билан аниқланади. Шу ерда вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси аҳолининг 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган қисмига нисбатан олиними лозимлигини асослаб, мамлакатимизда 2018 йилда вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси 100 минг вояга етмаганга 35,6 тани, 2019 йилда 28,9 тани, 2020 йилда 44,3 тани ташкил этганлиги кўрсатилган.

Муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилишини аниқлашда статистик маълумотлар муҳим аҳамият касб этишини, мамлакатимизда умумий жиноятчиликнинг тузилиши бўйича статистик маълумотлар юритилишини, бироқ вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилиши бўйича статистик маълумотлар юритилмаётганлиги боис, мазкур жиноятчилик тузилишини аниқлаш ва баҳо бериш қийинлиги ҳақида фикр билдириб, келгусида жиноятчилик статистикасини шакллантирадиган давлат органларига ўрганилаётган жиноятчиликнинг тузилиши бўйича статистик маълумотларни киритиб боришни тақлиф этган. Ушбу маълумотлар вояга

етмаганлар жиноятчилигининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш ва самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотда вояга етмаганлар ва улар иштирокида содир этилган 125 та жиноят ишлари ҳамда тарбия колониясида тарбияланаётган 50 дан ортиқ тарбияланувчилар орасида ўтказилган анкета сўровларининг натижалари ўрганилиб, 201 нафар вояга етмаган томонидан 188 та жиноят содир этилганлиги аниқланган. Улар томонидан содир этилган қилмишларнинг 62,8 % ўғирлик, 7,4 % босқинчилик, 6,9 % қасддан баданга шкаст етказиш, 6,4 % талончилик, 4,8 % безорилик, 4,2 % фирибгарлик, 7,5 % бошқа жиноятлар ташкил этганлиги аниқланган. Жиноятларнинг 80,8 % ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлган. Ушбу таҳлиллардан хулоса қилиб, вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилишида ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш, унинг таркибида ўғирлик катта қисмини ташкил этаётганлиги, такроран ва гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар ҳам анча кўп эканлиги кўрсатилган.

Ишда вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили унинг умумий динамикаси ва даражаси мамлакатимизда 2015-2019 йилларда пасайганлиги, аммо 2020 йилда ортганлиги, шунингдек оғир, ўта оғир, мулкка қарши, гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар миқдори камаймаётганлиги боис, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичида салбий ўзгаришлар рўй бермоқда, деган хулосага келинган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари, уларга имкон берган шарт-шароитлар ва вояга етмаган жиноятчи шахсининг тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари, уларга имкон берган шарт-шароитлар ўрганилган, шунингдек, вояга етмаган жиноятчи шахсига криминологик тавсиф берилган.

Муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларнинг таҳлили билан боғлиқ муаммолар ҳали етарлича ўрганилмаган, деган хулосага келган. Чунки жиноятчиликка қарши курашувчи давлат органлари жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашдан кўзланган мақсад ва усуллар ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслиги натижасида уларни аниқлашда турли чалкашликлар мавжудлиги, жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар тўлиқ ўрганилмасдан, уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш, унинг ижросини таъминлаш, шунингдек тақдимнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарликнинг таъминланмаётганлиги билан боғлиқ, деган хулосага келган.

Ишда «сабаб бирламчи, шароит бўлмаса ҳам сабаб шароитни излайди ва охир оқибат жиноят содир этилади, агарда шароит бўлиб, сабаб бўлмаса, шароит сабабни яратмайди ва жиноят содир этилмайди», деган ғоя илгари сурилган. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашувчи давлат органларининг вазифаларидан энг муҳими сифатида жиноятчиликнинг сабабларини, ундан кейин уларга имкон берган шарт-шароитларнинг

бартараф этилиши ҳисобланади. Шундай экан, улар томонидан жинойтчиликнинг сабабларини бартараф этмасдан, уларга имкон берган шарт-шароитларнинг бартараф этилиши, содир этилиши мумкин бўлган жинойтларнинг муддати узайтирилишига хизмат қилиши, лекин тўлиқ бартараф этмаслиги асослангилган.

Шунингдек, вояга етмаганлар жинойтчилигининг субъектив ва объектив сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларга ажратилиб ўрганилиши зарурлиги асосланиб, вояга етмаганлар жинойтчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган. Жумладан, вояга етмаганлар жинойтчилигининг субъектив сабабларига вояга етмаган шахснинг дунёқарashi ва маънавий олами, қизиқиши ва эҳтиёжлари, қадриятлари ва ҳаётий режалари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг даражаси, турмуш тарзи, мақсади ва йўналишлари, мотивлари; субъектив шарт-шароитларига демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари, хусусан, характери, темпераменти, ёши, жинси, маълумоти, соғлиги (ногиронлиги), вояга етмаганнинг жинойт содир этиши учун ўзига маъқул бўлган шарт-шароитни яратиши; объектив сабабларига оиладаги носоғлом муҳит, жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, оиладан ташқари муҳит (мактаб, маҳалла, кичик гуруҳлар), криминоген ҳудуд, шунингдек оммавий ахборот воситалари (интернет, ижтимоий тармоқлар)нинг салбий таъсири; объектив шарт-шароитларига давлат бошқаруви тизимидаги камчиликлар, қонун ва қоидаларнинг талабга жавоб бермаслиги, вояга етмаганлар жинойтчилигининг профилактикасини амалга оширувчи ва ташкил этувчи субъектларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлиги ва бепарволиги, шунингдек, жабрланувчининг салбий ҳулқ-атвори ва турмуш тарзидан иборат эканлиги асослангилган.

Вояга етмаганлар томонидан нисбатан кўп содир этилган ўғирлик, босқинчилик, талончилик, фирибгарликларнинг сабабларидан бири вояга етмаган жинойтчи шахснинг моддий эҳтиёжларининг ўта ошиб кетганлигидир. Буни социологик сўровларда иштирок этган респондентларнинг аксарияти жинойт содир этишдан мақсади турли хил қимматбаҳо буюмларга эга бўлиш истагининг юқори бўлганлигини кўрсатган, қиз болаларда биринчи ўринда қимматбаҳо уяли алоқа воситалари (58,8 %), косметика воситалари (46,4 %), замонвий кийим-кечак (32,2 %), турли хил заргарлик буюмларига эга бўлиш (16,2 %) хоҳиши бўлган бўлса, ўғил болаларда замонвий техник-воситалар, мото-автотранспорт воситаларига тезроқ эга бўлиш мотиви устун бўлган. Шунингдек, аксарият болалар мунтазам равишда ўз вақтларини тунги клубларда ёки бошқа кўнгул очар масканларда ўтказишга интилиши ва бунинг учун маблағ керак бўлаётганлигини (13,2 %) ҳам сабаб сифатида кўрсатган.

Мутахассис ходимлар орасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра эса, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойтларнинг асосий сабаблари сифатида ўқиш ва билим олишга нисбатан эътиборсизлик (88,8 %); дунёқарашининг торлиги, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий

маданият ва маънавият даражасининг пастлиги (67,7 %); вояга етмаган жиноятчи шахсларнинг аксарияти ўз қилмишларининг сабаби сифатида турли беҳаё, ваҳший, жангари фильмларни кўплаб кўрганликлари (42,4 %) ва криминоген ҳудуднинг, шунингдек оммавий ахборот воситалари (интернет, ижтимоий тармоқлар)нинг таъсирини (21,5%) кўрсатганлар.

Муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганишни таклиф этган:

а) оилада доимий конфликтли вазиятнинг мавжудлиги; б) ота-оналар маълумот даражасининг пастлиги ёки педагогик билимларининг йўқлиги; в) тўлиқсиз оила (отаси ёки онасининг йўқлиги); г) оиладаги моддий етишмовчиликлар; д) оилада носоғлом муҳит (спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, фоҳишалик билан шуғулланиш ва ҳ.к.); е) ота-онанинг иш ёки рўзғор юмушлари билан қаттиқ бандлиги натижасида бола тарбиясига эътибор бермаслиги; ё) ота ёки онанинг ишлаш ёки ўқиш учун узоқ муддатга чет давлатларга чиқиб кетганлиги; ж) болада ўзи қизикқан тўғарақлар ёки спорт машғулотларига бориш имконининг йўқлиги; з) ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчилар томонидан боланинг руҳий ҳолати билан қизикмаслик ёки эътибор бермаслиги; и) ота-онанинг ҳеч қаерда ишламаслиги; к) мактабгача таълим муассасасидаги тарбиячининг бола тарбиясига салбий таъсири; л) боланинг мактабгача таълим муассасасида тарбияланмаганлиги; м) ўқишда ёки ўқишдан ташқари вақтларида мактаб маъмурияти томонидан назорат қилинмаслиги ёки назоратнинг сустлиги; н) катта ёшдаги кўни-қўшнилари ёки қариндошларининг боланинг тарбиясига бефарқлиги; о) интернет ва уяли алоқа воситаларидан фойдаланишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги; п) яшаш жойида уюлмаган ёшларнинг кўплиги; р) ўқишдан ташқари бўш вақтларининг мазмунли ташкил этилмаганлиги; с) вояга етмаганнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги, т) ота ёки онанинг вояга етмаган фарзандига нисбатан тазйиқ ёки зўравонлик қилиши; у) вояга етмаганни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракат содир этишга жалб этиши ва ҳ.к.

Муаллиф вояга етмаган жиноятчи шахсига криминологик тавсиф беришда инсоннинг биоижтимоий мавжудот эканлиги, у ўзи истиқомат қилаётган ижтимоий муҳитдаги тартиб ва қоидаларга бўйсунган ҳолда яшашга мажбурлиги, уларга бўйсунмаслик эса, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келишини асослайди. Жиноий ёки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар эса, инсоннинг жамоат тартиби, қоида ва талабларга зид бўлган ана шундай ҳатти-ҳаракатлари натижасидир, жиноий хулқ-атвор биринчи навбатда бошқа фуқароларга, давлат, тизим ва жамиятга зарар етказди. Ҳар қандай эркин жамиятда ҳам шахснинг эркинлиги муайян қонунлар, нормалар билан чегараланади. Шу сабабдан, кишиларнинг истак, хоҳиш ва эҳтиёжлари қонуний асосларга кўра чекланиши зарур, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи, жиноий хулқ-атвор туғма хусусиятдир, деган фикрларга қўшилмай, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, балки ижтимоий муҳит,

борлик, таълим-тарбия ва ўзгаларнинг таъсири шахсда жиноий хулқ-атвори шакллантиради, дейди.

Диссертант жиноятчи шахсининг хусусиятларини ўрганиб, вояга етмаганда жиноий хулқ-атворнинг шаклланиши ва ривожланишига ижтимоий-социологик омилларнинг таъсири катта, биологик омиллар ижтимоий-социологик омиллар негизида ривожланади, лекин асосий омил бўлаолмайди, деган хулосага келган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг турлари; айрим хорижий давлатлардаги вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга оид қонунлари таҳлил қилинган; вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишни такомиллаштиришга доир таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг турларини ёритишда бир-бирига мазмунан яқин бўлган «олдини олиш» ва «профилактика» тушунчаларининг маъносини англаб фарқларини билиб олиш лозимлигини, чунки айрим тадқиқотчилар ва амалиёт ходимлари томонидан «олдини олиш» ва «профилактика» тушунчаларини қўллашда чалкашликлар кузатилаётганлигини асослаб, «олдини олиш» «профилактика»га нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини, у профилактик чора-тадбирларини ҳам қамраб олишини, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга профилактик чора-тадбирларни қўллаш орқали эришилиши ҳамда профилактик чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши, уларни амалга ошириш механизми самарадорлигини кўтариш вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга хизмат қилишини асослантирган.

Муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш турларини ёритишда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ҳамда «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларини қиёсий таҳлил қилиб, У. Абдуганиев, Ғ.Т. Абдулхажжаев, Қ.Р. Абдурасулова, Т.А. Аванесов, Е. Алауханов, Ш.Р. Ғофуров, З.С. Зарипов, М.З. Зиёдуллаев, И. Исмаилов, Н.Т. Исмоилов, Й. Каракетов, М.Ю. Кержнер, Б.А. Миренский, А.Ш. Муродов, С.С. Ниёзова, Н.С. Салаев, М. Усмоналиев, М.Қ. Ўразалиев, С.Б. Хўжақулов ва бошқаларнинг илмий ишларини ўрганиш асосида вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик турларига ажратиб, тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ички ишлар органларининг айнан вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи масъул ходимлари орасида ўтказилган ижтимоий сўровда «Вояга етмаганлар ўртасида қайси турдаги профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўпроқ самарали деб ҳисоблайсиз?» деган саволга респондентларнинг 67,8 % маҳалла ёки даҳаларда маданият саройларини

ташқил этиш ҳамда ушбу жойларда вояга етмаганлар ва ота-оналар иштирокида бадий кечалар (театр ва кулгу томошалари, мусикий кечалар кабилар)ни доимий равишда ташқил этилишини йўлга қўйиш; 54,4 % вояга етмаганлар ва уюлмаган вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; 51,5 % носоғлом, тўлиқсиз, жанжалли оилаларда истиқомат қилувчи вояга етмаганларнинг хулқ-атворини назоратга олиш ҳамда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш; 2,1 % вояга етмаганлардаги иқтидор ва қобилиятни ўз вақтида аниқлаш ҳамда ривожлантириш чораларини кўриш керак, деб жавоб берганлар.

Ишда муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга доир айрим ривожланган давлатлар (АҚШ, Франция, Германия, Япония, Канада, Буюк Британия, Австралия, Россия) тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари, қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги амалиётга махсус дастур, лойиҳаларнинг татбиқ этилганлиги; иккинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқлари кафолатланган қонун нормаларининг кодификация қилинганлиги; учинчидан, «вояга етмаганлар ҳуқуқи («ювенальное право»))нинг мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилганлиги; тўртинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш даражасининг юқорилиги вояга етмаганлар ишлари бўйича алоҳида одил судлов тизимининг яратилганлиги билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келган.

Ишда вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг қуйидаги йўналишларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги асосланган:

Биринчи йўналиш – вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқ, камчилик ва ўзаро номувофиқликларни бартараф этиш, бунда:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги лойиҳаси тайёрланаётган ҳозирги шароитда вояга етмаганларнинг жинойий жавобгарлиги масаласида мавжуд камчиликларни, нормалар ўртасидаги номувофиқликларни бартараф этиб, янги таҳрирдаги Жиноят кодексига вояга етмаганларга тайинланадиган жазо чоралари уларнинг ахлоқини тузатиш ва тарбиялаш мақсадларига қаратилган бўлиши, ушбу мақсадларга енгилроқ жазо турларини тайинлаш орқали эришиш имконияти бўлмагандагина, жазонинг оғирроқ турлари тайинланиши лозимлиги, жавобгарликка тортиш муддати ёки жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан вояга етмаганни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қоида тариқасида киритилиши асослантирилган;

2) Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010) қонунида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимида, вояга етмаганларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ҳуқуқий тартибга солиш

билан боғлиқ айрим бўшлиқ, камчилик ва ўзаро номувофиқликлар мавжудлиги аниқланган. Бу эса, ушбу қонунларни янги таҳрирда қабул қилишда мазкур муаммоларни бартараф этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига прокуратура ва адлия органларини киритиш, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлиги кўрсатилган;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) қарорига мувофиқ ички ишлар органлари қарорда белгиланган тартибда 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради ва суд қарори асосида уларга жойлаштириш масаласини ҳал этади. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2010) қонуннинг «Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби» деб номланган 5-боби «Республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби» деб ўзгартирилиши ҳамда ушбу қонуннинг 28-31-моддаларидаги номувофиқликларни бартараф этиш таклиф қилинган.

Иккинчи йўналиш – вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг назарий асосларини такомиллаштириш, бунда:

1) вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш асосида «ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш», «жиноятчиликни жиловлаш» каби тушунчаларнинг моҳиятини очиб бериш ва илмий асослаш; иккинчидан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси ҳамда улар доирасида амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлардаги ноаниқлик ва тушунмовчиликларга ойдинлик киритиш керак, чунки Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010) қонунида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва виктимологик профилактикаси каби турлари кўрсатилмаган ва вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг ваколатларига киритилмаган, ваҳоланки Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси каби турлари кўрсатилган бўлиб, ушбу Қонуннинг 27-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида

назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади деб кўрсатилган;

2) вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишнинг ўзига хос тактик жиҳатларини ишлаб чиқиш, уларнинг моҳияти ва мазмунини илмий асослаш;

3) келгусида жиноят содир этиш ёки жиноятдан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган вояга етмаганларга индивидуал ташхис қўйиш методикасини ишлаб чиқиш;

4) вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикаси субъектлари доирасини кенгайтириш, уларнинг оптимал тизимини шакллантириш ва ваколатларини аниқ белгилаш;

5) вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширилиш даврига қараб қуйидаги босқичларга ажратиш ва профилактик ишларни мазкур босқичлар асосида ташкил этишда қуйидагиларга эътибор берилиши лозим: биринчи босқич: вояга етмаганлар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш; иккинчи босқич: вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш, вояга етмаган жиноятчиларнинг ахлоқини тузатиш; учинчи босқич: жиноятдан жабрланган, шунингдек жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; тўртинчи босқич: вояга етмаганлар рецидив жиноятчилигини олдини олиш; бешинчи босқич: оғир ва ўта оғир жиноят содир этиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилган, экстремистик қарашларга эга, ахлоқан тузалиш йўлига кирмаган вояга етмаганлар устидан алоҳида назорат ўрнатиш тартибини ишлаб чиқиш.

Учинчи йўналиш – жамиятда соғлом ижтимоий муҳитнинг барқарорлигини кафолатловчи умуминсоний, миллий, диний кадриятларнинг таъсирчанлигини мустаҳкамлаш, мазкур кадриятларни замон, тараққиёт билан ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш, маҳаллий, оилавий, ҳуқуқий ва касбий кадриятларни шакллантириш.

Ушбу йўналишда қуйидаги ишларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

